



## ЕНГИЛ САНОАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ТУРКИЯ ТАЖРИБАСИ ВА УНДАН ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

**Феруза Жуманиязова**

"INTERNATIONAL SCHOOL OF FINANCE TECHNOLOGY AND SCIENCE" доценти, PhD.

email: [feruzalisher@gmail.com](mailto:feruzalisher@gmail.com)

### ARTICLE INFORMATION

Volume: 1

Issue: 7

DOI:[https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1\\_iss7/a18](https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss7/a18)

### ABSTRACT

Уибу мақолада Туркия енгил саноатининг ривожланани жараёйлари, унинг афзалликлари, кийим-кечак, тўқимачилик саноатининг ривожланни тенденциялари, капитал сизимининг ошиши ва бозор консолидациялашувининг бошланиши, ишлаб чиқарининг автоматлашуви ва самарадорлигининг ўсими, ҳалқаро бозорлар томонидан рақобатнинг кучайши, тармоқдаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятлари ва таркибий тузилмасининг ўзгаришилари ўрганилган. Ўзбекистонга мос жиҳатлари таҳлил қилинган ва асослаб берилган.

Туркия енгил саноати, экспорт хажми, йирик, ўрта, кичик корхоналар, ишлаб чиқарии, таъаб-тактиф, иктисадиёт, кийим-кечак, тўқимачилик, таомиллаштириши, ривожлантириши.онд бозори, капитал оқими, инвестиция муҳити, қимматли қоғозлар, диверсификация.

### KEYWORDS

### Кириш (Introduction/Введение)

Хозирги пайтда Ўзбекистон енгил саноати олдиға замонавий технологиялар асосида пахта толасини чукур кайта ишлаш ўйли билан ташки ва ички бозорда талаб юкори бўлган тайёр, экологик тоза тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажмини 2030 йилга кадар 5,6 марта оширишдек улкан вазифа кўйилмоқда[1]. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки XX асрнинг иккинчи ярмидаёт дунё миқёсида енгил саноат глобал тармоққа айланди. 1970 йилларнинг бошларидан хозирги пайтга кадар ушбу тармоқ учун маҳсулот ишлаб чиқариш ва ҳалқаро савдо оқимлари интенсивлигининг, унча катта бўлмаган тебранишларни хисобга олмагандан, узлуксиз равиша ўсиб бориши характеристерили. 1955-2000 йиллар оралигига тўқимачилик маҳсулотлари билан савдо килиш хажми киймат инфодасида 34 марта, кийим-бош маҳсулотлари эса 249 марта оғсан[2]. Тўқимачилик ва текстил саноатида 2023 йил якунида ва 2024 йилнинг I чорагида умумий киймати 913 млн АҚШ доллари бўлган йирик 74 та лойихаларни ишга туширилиши, саноатда маҳсулот таннархини камайтириш хамда молиявий баркарорликни, операцион самарадорликни ошириш хамда энергия самарадорлигини 10 фоизга ошириш бўйича чораларларнинг кўрилиши белгиланган[3]. Енгил саноат иктисадиётнинг муҳим кўп йўналиши ва инвестицион жозибадор сектори хисобланади. У молиявий ресурсларининг юкори айланувчанлиги билан бир каторда, потенциал нуткази-назардан етарли даражада юкори рентабелли тармоқ хисобланади, айланма маблагларга нисбатан унча катта бўлмаган эҳтиёжнинг мавжудлиги билан характерланади. Бу эса, ўз навоатида, тармоқ корхоналаридан бюджетга маблаглар тушиб туришининг баркарор даражада бўлишини таъминлайди. Иктисадиётнинг бу тармоғи иктисадий нуткази-назардан фойдали ва экологик жихатдан хавфсиз товарларни кенг кўламда ишлаб чиқариб, импорт ўринини босиб, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириб, шунингдек, аҳоли хаётининг сифат даражасини яхшилаб,

инсонлар соғлигини кайта тиклаб ва кўллаб-куватлаб, атроф-муҳит экологиясини яхшилаб синергетик самарани олишига ёрдам беради.

Енгил саноатнинг иктисадий ва стратегик хавфсизликни, меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлиги таъминлашдаги ва унинг ҳаёт даражасини оширишдаги катта ролини хисобга олган ҳолда янги геосиёсий шароитда дунёнинг етакчи мамлакатлари тармоқнинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратишмоқда ва унга сезиларли даражада инвестицион кўмак беришмоқда.

Хитой, Туркия, Хиндистон ва бошка ривожланаётган мамлакатларда енгил саноат миллий иктисадиётнинг ривожланиши учун устувор тармоқ сифатида эълон қилинган. Уларнинг деярли ҳаммасида енгил саноат тармоғини кўллаб-куватлаш дастури ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Бу дастур енгил саноат ишлаб чиқарувчиларининг давлат томонидан кўллаб-куватланишини ўз ичига олувчи чора-тадбирларни камраб олган.

### Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (анализ использованной литературы. Literature review).

Енгил саноат иктисадиётига оид умумиктисодий муаммолар борасида хорижлик кўплаб иктисадчи олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган. Улар каторига K.F.Au, F.Abernathy, R.Adhikari, R.Anson, B.A.Афанасьев, С.Ю.Барсукова, B. Berger, D.Weil, Я.Г.Гайсина, G.Gereffi, J.Dunlop, B.C.Испирян, N.D.Yilmaz D.Ünal-Kesenci, B.A.Уразов, S.Frederick ,E.Ф.Храмова, B.C.Чмелев, N.Y.Chan, A.B.Чистосердов, А.Б.Шиличев, J. Hammond ва бошқаларни киритиш мумкин.

Xususan Yengil саноат bo'yicha korgina olimlar asarlarida mulohazalar uchraydi, Misol uchun, Туркияда ўринбосарлар томонидан ишлаб чиқарилган текстил маҳсулотлари дунёда кўп манфаатга эга бўлиб келиб, уларнинг сифати ва дизайни машҳурлик касб этган. Енгил саноат бўйича турк олимлари ўзларининг изланишларини ва мулоҳазаларини турли асарлар орқали ифодалайдилар. Куйидаги турк асарларида енгил саноат бўйича мулоҳазалар учрайди:

"Енгил саноатнинг юксак технологиялари" номли китобида турк олимлар енгил саноат соҳасидаги юксак технологиялар, автоматлаштириш, робототехника ва бошқа соҳаларни ўрганиб, уларнинг енгил саноатта таъсири ва мустакил ривожланиш йўли хакида мулоҳазаларини баён этилган. "Енгил саноат ва инновациялар" номли маколада - турк олимлар енгил саноат соҳасидаги инновациялар, янгиликлар ва ислоҳотлар хакида мулоҳазаларини баён этишади. Уларнинг енгил саноатдаги ролини ва келажақдаги аҳамиятини тушунтирилган. "Енгил саноатда экологик муаммолар ва уларнинг ҳал қилиш усуслари" номли илмий маколада турк олимлар енгил саноат соҳасидаги экологик муаммолар, атроф мухитга таъсири ва уларни ҳал қилиш усуслари хакида мулоҳазаларини баён этишади. Экология муаммолар билан курашишнинг енгил саноат учун аҳамияти ва ечимлари хакида мулоҳазалар юритилган.

#### **Тадқиқот мақсади ва усуслари (Методология и исследования Research Methodology).**

Мазкур тадқиқотни амалга ошириш жараёнида эмпирик, статистик ва таққослама тадқиқот усусларидан фойдаланилди.

#### **Тахлил ва натижалар (Анализ и результаты. Analysis and results).**

##### **Тармоқ шаклланишининг асосий босқичлари**

Туркия дунё бозорида йирик кийим-кечак етказиб берувчиilar орасида 5-ўринни, ЕИ мамлакатларига экспорт бўйича эса 2-ўринни эгаллайди. Бу мамлакат жаҳон енгил саноатининг йирик иштирокчиларидан бири бўлиб, уни роли тобора ўсіб бормоқда.

Туркия енгил саноатининг шаклланиши тарихи Усмон империяси даврига бориб тақалиб, XVI–XVII асрларнинг ўзидаёт бу ерда тўқимачилик ишлаб чиқариши яхши ривожланган ва тарқалга эди. Империя парчалангандан сўнг Туркия Республикаси ҳокимият органлари бу тармоқни мамлакат тараққиёти учун стратегик мухим аҳамиятга эга бўлган тармоқлар каторига киритди ва шу муносабат билан протекционизм ва давлат томонидан кўллаб-куватлаш сиёсатини юритди. Натижада 1923 йилдан бошлаб тўқимачилик саноатида жадал суръатларда давлат корхоналари шакллана бошлади ва катта миқдордаги миллий маблаглар инвестиция килинган. 1960-йиллардан бошлаб Туркия тўқимачилик маҳсулотларини экспорт килиши бошлаган бўлса-да, бирок 1970-йилларда тўқимачилик экспортнинг таркиби тузилемасида 3,0%дан ошмаган[5]. 1980-йилларда либерализацийнинг бошланиши ва экспортга йўналтирилган миллий стратегияга ўтилиши муносабати билан мамлакат дунё бозорига фаол экспансияни амалга ошириди ва ўз тараққиёти давомида қўйидаги икки босқични босиб ўтди: а) 1980-йиллардан 2000-йилларгача; ва б) 2000-йилларнинг бошидан хозирги вақтгача[6].

Биринчи босқич: 1980-2000-йиллар. Бозорни эгаллаш. Туркия 1980-йилларда "калит бўйича" (Full Package/ OEM — Original Equipment Manufacturing) бренди орқали мустакил мол етказиб берувчи сифатида жаҳон бозорига чиқди. Бунинг асосий сабаби шу даврда ривожланган тўқимачилик саноати ва ички бозорнинг мавжудлиги эди. Мамлакат тезда жаҳон етакчилари сафига кўшилди ва Хитой, Гонконг, Италия ва Германиядан кейинги 5-ўринни эгаллади.

Туркия тез суръатлarda ривожланишининг бир неча омиллари мавжуд. Мамлакат эркин савдо зоналарини ривожлантириш сиёсатини изчиллик билан амалга ошириди, малакали арzon ишчи кучига эга бўлди, Европа мамлакатлари билан яқин кўшичини афзалларидан фойдаланди ва бу уни хамкорлар учун тезда жозибадор килди. 1990-йилларда Туркия Европа ва биринчи навбатда, немис буюртмачилари билан фаол хамкорлик кила бошлади ва бунга 2000-йилларнинг бошига келиб американлик "үйинчилар" ҳам кўшилди[7]. Туркия ишлаб чиқарувчilarining жаҳон бозори тарабаларига тез ва эгулиувчан мослашуви халқaro, шу жумладан, Европа ишлаб чиқариш стандартларининг эртарок киритилганлигига ҳам намоён бўлди.

Иккинчи босқич – 2000-йиллардан хозирги вақтгача. Дизайн ва мода индустрисида етакчилик стратегияси. Туркия тўқимачилик саноати ривожланиш йўлидаги навбатдаги кадам дизайнерлик карорлари мустакил ишлаб чиқилиши (ODM — Original Design Manufacturing) ва ўз брендлари(OBM — Original Brand Manufacturing) яратилиши сегментларининг харакат-ланиши бўлди. Бу босқич тармоқнинг изчиллик билан ишлаб чиқариш занжирининг

навбатдаги босқичига ўтиши билан характерланади, бунинг амалга ошиши кадрлар тайёрлаш ва бизнесни ривожлантириш соҳасида давлатнинг фаол кўллаб-куватлаши орқали содир бўлди. Брендни яратиш ишлаб чиқарувчидан дизайн ва маркетинг соҳасида алоҳида компетенцияга эга бўлишини ва яна компетенция марказини ўз ишлаб чиқариш жараёнларидан бошқа жойга кўчиб ўтишини талаб киласди. Натижада 1996 йилда Туркияда бор-йўғи бир неча дизайнерлар ишлабаган бўлса, 10 йилдан сўнг "Стамбулда мода ҳафтаси" лойиҳаси ишга туширилди, 2007 йилдан бошлаб эса бир неча турк фирмалари хорижий ишлаб чиқарувчilar билан биргаликда ва мустакил равишда ўз брендлари остида товарлар ишлаб чиқариши бошладилар. Ишлаб чиқарувчilar ва хукumat мувофиқлаштирилган ҳолда 2023 йилда Стамбулни мода индустрисидаги 5 етакчининг бирига айлантириш стратегиясини кўллаб-куватладилар.

##### **Хозирги босқичда тармоқнинг холати**

Юкорида кайд этилганидек, хозирги вақтда Туркия жаҳонда кийим-кечак йирик етказиб берувчilarининг орасида 5-ўринни, Европа Итифоқи мамлакатларига енгил саноат маҳсулотлари экспортининг ҳажми бўйича 2-ўринни эгаллайди. Турк ишлаб чиқарувчilari томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотлар жаҳоннинг 170 мамлакатига экспорт килинади. Мамлакат Европа бозорига юкори даражада боғликлиги билан характерланаб, бу бозорга экспорт килинаётган маҳсулотларининг 80%ни йўналтиримокда[8].

Туркия ишчи кучи бозори ўз ўлчами бўйича жаҳонда 5-ўринда туради. 3,0 млн.га якиш киши тўқимачилик ва тикувчилик саноатида банд. Норасмий меҳнат бозори расмий меҳнат бозорининг 50-50%-ни даражасида баҳоланмокда. 2007 йилдан бошлаб Туркия хукуматининг қарорига мувофиқ ишчи кучи малакаси даражасини ошириш ва қасбий қайта тайёрлаш дастурини ривожлантириш миллий устуворликлар каторига киритилган. Бир вақтда ишчи-хизматчилар меҳнат шароитларини яхшилаш ва уларни халқaro стандартларга мувофиқлаштириш тенденцияси кузатилмоқда.

Глобаль молиявий-иктисодий инқироз таъсири остида 2009 йилда экспорт ва импорт ҳажмининг камайиши навбатдаги йилдаёт ортиб борувчи тренд билан алмашди ва 2011 йилнинг ўзидаёт савдонинг инқироздан олдинги ҳажми товарларнинг асосий гурухлари бўйича қайта тикланди.

2012 йилда енгил саноат маҳсулотларининг экспорти экспортнинг умумий ҳажмига нисбатан 17,6%ни ташкил этди[9]. Енгил саноат товарлари орасида экспортнинг катта кисми кийим-кечакка тўғри келади. Кийим-кечак экспортининг таркиби тузилемасида Германия (21,6%), Буюк Британия (13,9%), Испания (9,0%), Франция (6,4%) каби давлатлар катта салмоқка эга. Тўқимачилик ва хом материаллар, тери ва ундан ишлаб чиқарилган буюмлар экспорти бўйича етакчи учлики Россия (тўқимачилик ва хом материаллар экспортининг 14,6%; тери ва ундан ишлаб чиқарилган буюмлар экспортининг 20,4%), Италия (мос равища, 8,7 ва 9,1%) ва Германия (мос равища, 5,9 ва 7,2%) ташкил этади. Саудия Арабистони (гиламлар экспортининг 16,6%), Ирок (9,9) ва Ливия (6,5%) турк гиламларининг йирик истемолчилари хисобланади.

Енгил саноат маҳсулотлари импортининг асосий моддаси тўқимачилик ва хом-аше бўлиб, улар бўйича сўнгти 5 йил давомида савдо балансининг дефицитлиги сақланиб келмоқда. Енгил саноат маҳсулотларининг импорти 2012 йилда импорт умумий ҳажмининг 57%ига тенг бўлди. Хитой (34%) ва Бангладеш (21,6%) кийим-кечакнинг йирик импортёлари хисобланади. Тўқимачилик ва материаллар импортёлари орасида ҳам Хитой (19,6%) етакчилик килмоқда. Хиндистон (33,6%), Хитой (20,7%) ва Бангладеш (12,5%) гиламлар импорти бўйича етакчи учлики ташкил этади.

Сўнгти 5 йил давомида Туркия халқaro савдосининг ҳажми юк суръатлarda ўсмоқда. Туркия саноатининг 7 та сектори 2023 йилнинг январ-ион ойларида шу кунгача бўлган энг юкори экспортга эришиди. Шу даврда саноат секторининг Туркия умумий экспортидаги улуши 82 фоизни ташкил этди. Тери ва чарм маҳсулотлари 1,3 миллиард доллар, автомобилсозлик саноати 17,3 миллиард доллар, электроэнергетика ва электроника 7,9 миллиард доллар, машинасозлик ва аксессуарлар 5,5 миллиард доллар, заргарлик саноати 3,4 миллиард доллар, мудофаа ва аэрокосмик саноати 2,4 миллиард долларни ташкил килди[10].

##### **Бизнес-стратегиянинг ўзига хос хусусиятлари**

Туркия ҳукумати томонидан қилинаётган харакатларга карамасдан ҳозирги пайтда турк бозорининг таркибий тузилмасида “калит остида (бўйича)” ишлаб чиқарувчилар асосий ўринни эгаллаб, уларнинг хиссасига жами ишлаб чиқаришнинг 60%н тўғри келмокда. Улар, глобал ҳаридорлар билан бевосита алоказа бўлиб ва айрим меҳнат харажатли операцияларни Миср ва Мароккого бераб, ишлаб чиқариш занжирининг ўтасида жойлашгандир. Бир вактда ўз дизайнни ва брендини яратиш боскичигача ишлаб чиқариш занжири бўйлаб юқорига кўтарилаётган компанияларнинг сони хам ортмокда[11]. Компанияларнинг жуда кўпи миллий мулк эгаларига тегиши, бевосита хорижий инвестициялар учунчилик кўп эмас.

#### **Тармоқ тараккӣтида давлатнинг роли**

Енгил саноат тараккӣтидининг барча боскичларida Туркия ракобат-бардошлигининг асосий омилларидан биро бўлиб малакали арzon ишчи кучи (ривожланган мамлакатлар билан такъослаганда) хисобланди, унинг мавжудлиги кучли даражада давлатнинг фаолияти билан боғлиқдир. Биринчи боскич (1980-2000-йиллар)даёк мамлакат ҳукумати енгил саноат учун кадрлар тайёрлаш учун таълим тизимининг ривожланишига катта эътибор берган эди.

Ғарбий Европа ишлаб чиқарувчиларининг тажрибаси ва технологияларни бериш турк ишчиларининг реэмиграция қилиш эвазига амалга оширилди. Ишчи кучини қайтариш учун шароитларни яратишга йўналтирилган давлат сиёсатининг кўринишига мисол бўлиб, Амстердамдаги турк анклавида ишлаган ва 1992 йилда Голландия ҳукуматининг карори бўйича ёпилган компаниялар учун маҳсус зоналарни яратиш бўйича карори хисобланади. Бунинг натижасида компанияларнинг ярми ўз ишлаб чиқаришини Туркияга ўтказган.

Ходимларнинг юқори малакали эканлиги ва таълим тизимининг ривожланиши меҳнат унумдорлигининг ошишига, ишлаб чиқариш жараёларининг ихтиослашувига ва енгил саноат ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун касблар кенг турларининг шаклланишига олиб келди. Бир вактда сертификация талаблари кенгайдики, уларга халқаро ишлаб чиқариш занжириларда банд бўлгандар мос келиши керак эди. 2003 йилда вазифаси малака оширишнинг миллий дастурларини халқаро талабларга мос келишини таъминлаш ва мониторинг килиш бўлган институтлар яратила бошланди. 2009 йилда касбий стандартлар ва сертификация тизимини ўрнатиш учун маҳсус тузилма яратилди.

2000-йиллардан бошлаб мамлакат дизайннерлар ва модельерларнинг миллий мактабини шакллантириши кўзда тутивчи ишлаб чиқариш занжирининг навбатдаги боскичига ўтиш сари йўл олди. Ўтган 10 йил давомида Туркияда ишлётган дизайннерларнинг сони хам кескин ошиди. Уларнинг аксарият кисми дизайн ва моданинг Европа мактабларида тайёргарликни ўтган эди. 2000-йилларнинг ўрталаридан бошлаб ҳукуматнинг кўллаб-куватлаши натижасида дизайннерларни тайёрлашнинг ўз институтлари хам шаклланба бошлади[12].

Индустря ривожланишининг яна бир муҳим йўналиши ўз брендларини яратиш ва илгари суришининг давлат томонидан кўллаб-куватлаши бўлди, бу нарса Туркия енгил саноатининг ривожланиши йўлидаги навбатдаги кадамга асос бўлиб хизмат килди. Ҳукумат халқаро рақобат курашида иштирок этиш учун ўз брендларини яраташга компанияларни кўллаб-куватловчи стимуллар тизимини ишлаб чиқди. Масалан, 2004 йилдан бўён мамлакатда давлат ва тармоқ ташкилотларининг ҳамкорликдаги кўллаб-куватлаши орқали умумий номдаги Turquality комплекс чоралари амалга оширилмокда. Дастур жаҳон бозорларида Туркия енгил саноат маҳсулотларининг миллий брендини шакллантиришга йўналтирилган. Fabrika, BilsarTekstil, LTB, Derri, COLIN'S, EsasTekstil, HartmanlDeri, Ipekyol, Mercek Holding, MithatGiyim, DAMAT/TWEEN, PashaDeri, PoloGiyim, Ramseyu Sarar кабилар ана шундай компанияларга мисолиди.

Компанияларнинг ўз брендларини яратиш стратегиясини амалга ошириш таълим тизимида зарурӣ институциональ ўзгаришларни давлат томонидан кўллаб-куватлаш орқали содир бўлаётirki, у ерда маркетинг ва бред-менежмент соҳасида узок ва киска муддатли дастурлар яратилмоқда ва ривожланирилмоқда.

2009-2014 йилларда Туркия “Тўқимачилик индустряси, кийим-кечак ва тери ишлаб чиқариши кўллаб-куватлаш Стратегияси”ни амалга ошириди. У ходимлари сони 30 кишидан кам бўлмаган компанияларга нисбатан 28та турли чораларнинг кўлланилишини

кўзда тутган эди. Уларнинг орасида солик преференциялари, ККС ва божхона-тариф йигимларини тўлашдан озод қилиш, энергия ресурслари харажатларининг 50%ини кўллаб-куватлаш, имтиёзи кредитлаштириш, ижтимоий ажратмалар бўйича имтиёзлар, субсидиялар ва мамлакатнинг кам ривожланган минтакаларига ишлаб чиқаришини кўчириб ўтишини стимуллаштириш учун комплекс инструментлар муҳим ўринни эгаллади.

#### **Тараккӣт ҳозирги боскичининг имкониятлари ва хавфлиги**

Туркия модели тўқимачилик тармоғи ва кийим-кечак ишлаб чиқариш ривожланишининг жуда муваффакиятли мисоли бўла олади. Глобаль молиявий-иктисодий инқироз ўз таъсирини кўрсатган бўлишига карамасдан, давом этган рецессия шароитида тармоқ кўрсаткичларининг тезда қайта тикланиши иктисиодиёт бу секторининг барқарорлигидан дарак беради. Якин бир неча йиллар давомида осиёлик “ўйинчи”ларнинг кучизланиши шароитида турк ишлаб чиқарувчилари олдида, бир томондан, Европанинг ривожланган бозорларига ва иккинчи томондан, Совет Иттифоқидан кейинги кенгликларда экспансия қилишнинг янги имкониятлари очилмоқдаки, у ерларда ўсиш учун имкониятлар ҳамон сакланиб қолмоқда.

Ишлаб чиқариш занжирининг энг юқори – дизайн ва ўз брендларини яратиш – боскичига Туркияниң ўтиши муносабати билан маълум бир рисклар сакланниб қолади. Турк ишлаб чиқарувчилари узоқ тарих ва Европа истеъмолчилари нигоҳида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчилар образига эга эмаски, бу нарса компаниялар экспансиясини кескин секинлаштириш ва қилинган инвестицияларнинг копланиш муддатларини узайтириши мумкин. Буларнинг барчаси тармоқ барқарорлигини синаш (текшириш)нинг яна бир даври бўлади. Натижалар ижобий ёки муваффакиятли бўлганда ўрта муддатли даврларда биз жаҳон бозорида янги бир кучли “ўйинчи”нинг пайдо бўлганлигига гувоҳ бўламиз. У осиёлик ишлаб чиқарувчилар билан нафақат харажатлар (ишлаб чиқариш, транспорт харажатлари – буни асосий таъминот бозорларининг географик яқинлиги белгилаб беради) бўйича, балки маҳсулотнинг сифати бўйича ҳам ракобат қилиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, европалик компаниялар учун яна янги хавф солиши мумкин.

#### **Хуласа (Заключение. Conclusion).**

Туркия ракобатбардошлигини жаҳон даражасига эришиши учун енгил саноат ривожланишини кўллаб-куватлаши борасида давлат изчил сиёсатини муваффакиятли амалга оширишнинг яхши намуниявий мисоли бўлаолади. Мамлакат мавжуд киёсий афзалликларига суюниш – улар орасида арzon малакали ишчи кучи ҳамда стратегик муҳим институтлар ва процедураларни стимуллаштиришэнг муҳими хисобланади – жаҳон бозорида ўз позицияларини ишончли тарзда мустаҳкамлашга имкон беради. Нафақат харажатларни кисқартиришга, балки унумдорлик ва сифатнинг юқори даражасини таъминлашга ҳам йўналтирилган стратегия ракобатнинг янада юкорироқ даражасига, глобаль компаниялар учун товарлар етказиб берувчи вазифасини бажаришдан ўз мустақил фирма ва брендларини яратишга ўтиш учун имкониятлар яратади. Бу нафақат тармоқ барқарор ўсишини кўллаб-куватлашига имкон беради, балки Осиё мамлакатлари ва, энг аввало, харажатлар бўйича рақобатга энг юқори даражада йўналтирилган Хитой томонидан тармоқнинг асосий секторларида рақобат босимини камайтиради.

Ўзбекистон учун Туркия тажрибасини ўрганиш, биринчи навбатда, бу мамлакат томонидан амалга оширилган тармоқ ривожланишини стимуллаштириш муваффакиятли модели нуқтаи-назаридан муҳимдир. Амалга оширилиши ЖСТ талаблари билан чекланганилиги учун, миллий экспортёrlарни максадли кўллаб-куватлаши ўрнига турк етакчилари ўз кучларини институционал шароитларни изчил яхшилашга йўналтирилар. Таълимга ургу берниш иктисиодиёт ва жамиятда, масалан, ҳаёт сифатининг яхшилияни (ўсиши) билан боғлиқ бўлган катор ижобий экстернал самараларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу вазифанинг давлат устуворликлари соҳасига киритилиши эса бозор ва ахолига тартибга солувчилардан чиқаётган “сигнал”ларни англаб олишга ёрдам бердики, у кўллаб-куватлашнинг молиялаштириш ва бошка шакллари билан биргаликда режаларни ҳаётга тадбик этиш учун зарурий базанинг яратилишига олиб келди. Бундай сиёсат ишлаб

чиқарувчилар билан ўзаро ҳамкорликда ва координацияда амалга оширилмоқдаки, бу нарса бозор эҳтиёжларига кўпроқ даражада мувоғиқ келадиган (масалан, ҳозирги босқичда миллий брендларни яратиш ва уларни жаҳон бозорига чиқаришни кўллаб-кувватлаш) карорлар кабул килишга имкон бермоқда. Шунингдек, Ўзбекистон учун Туркияning энг муҳим сабоги енгил саноат тармогини

муваффакиятли ривожлантириш учун шароитлар яратиш бўйича давлат сектори ва индустрия иштирокчиларининг кучларини консолидация қилишнинг зарурлигидадир.

#### References:

1. Бюджетнома2024-2026. Ўзбекистон республикаси иктисад ва молия вазирлиги.
2. Халк сўзи, 2016 йил 16 январь. /Каримов И.А. Бош максадимиз – мавжуд кийинчилкларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иктисадиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериши ҳисобидан олдинга юришдир.
3. Au K.F., Chan N.Y. The World Textile and Clothing Trade: Globalization versus Regionalization. The Hong Kong Polytechnic University, Hong Kong. OECD, 2004; A New World Map in Textilesand Clothing. Adjusting to Change.OECD.
4. AnsonR.Editorial:EndoftheLineforCheapClothing// Textile Outlook International. 2010. Vol. 147 (October).P
5. Tan B. Overview of the Turkish Textile and Apparel Industry.Harvard Center for Textile &Apparel Research. 2000. URL: .http://home.ku.edu.tr/~btan/publications/TechReports/HCTARTurkishTextile01.
6. Обзор“Fernandez-StarkK.,FrederickS.,Gereffi G. The Apparel Global Value Chain.Economic Upgrading and WorkforceDevelopment.Duke Center on Globalization, Governance and Competitiveness. 2011” материаллари бўйича тайёрланган.
7. TokatliN.GlobalizationandthechangingclothingindustryinTurkey//Environment and Planning A. 2003.Vol. 35. P. 1877–1894.
8. Karlaap H.S., Yilmaz N.D. Assessment of Trends in the Comparative Advantage and Competitiveness of the Turkish Textile and Clothing Industry in the Enlarged EU Market // Fibres&Textiles in Eastern Europe. 2012. Vol. 20. No. 3 (92). P. 8–11; Karlaap H.S., Yilmaz N.D. Comparative Advantage of Textiles and Clothing: Evidence for Bangladesh, China, Germany and Turkey // Fibres&Textiles in Eastern Europe. 2013. Vol. 21 (1). P. 14–17.
9. 2012 йил учун статистик маълумотларнинг манбалари: ITKIB.2013. The General Secretariat of Istanbul Textile and Apparel Exporters' Association, Turkish Clothing Industry. URL: http://www.ITKIB.org.tr
10. Tokatli N., Kizilgün Ö. From manufacturing garments for ready-to-wear to design collections for fast fashion: evidence from Turkey // Environment and Planning A.2009. Vol. 41. P. 146–162.
11. [https://api.mf.uz/media/filestore/2024-2026\\_compressed.pdf..](https://api.mf.uz/media/filestore/2024-2026_compressed.pdf..)
12. AnsonR.Editorial:EndoftheLineforCheapClothing// TextileOutlookInternational. 2010. Vol. 147 (October).P. 4–Ключевые проблемы развития легкой промышленности в России и способы их преодоления [Текст] : аналит. отчет / отв. ред. сер. В. В. Радаев; Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики» ; Лаб. экон.-социол. исслед. — М. : Изд. дом Высшей школы экономики, 2013. - 344 с.33. KowalskiP.,Molnar M. Economic Impacts of the Phase-Out in 2005 of Quantitative Restrictionsunder the Agreement of Textiles and Clothing // OECD Trade Policy Working PaperNo. 90. 2009. July.Karlaap H.S., Yilmaz N.D. Assessment of Trends in the Comparative Advantage and Competitiveness of the Turkish Textile and Clothing Industry in the Enlarged EU Market // Fibres&Textiles in Eastern Europe. 2012. Vol. 20. No. 3 (92). P. 8–11; Karlaap H.S., Yilmaz N.D. Comparative Advantage of Textiles and Clothing: Evidence for Bangladesh, China, Germany and Turkey // Fibres&Textiles in Eastern Europe. 2013. Vol. 21 (1). P. 14–17. LemoineF.,Ünal-Kesenci